

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ**



**Профессор Ҳамид Сулаймон
номидаги Республика
ёш манбашунос ва
матншуносларининг
илмий анжуман
материаллари**

2013 йил 23 декабр



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ**



**Профессор Ҳамид Сулаймон номидаги
Республика ёш манбашунос ва
матншуносларининг илмий анжумани
материаллари**

(23 декабр 2013 йил)

Тошкент 2013

Ушбу анжуман материалларидан Республика олийгоҳлари филология фанлари номзодлари ва катта илмий ходим-изланувчилари манбашунос ва матншуносларининг илмий анжуманга бағишланган материаллари жой олган.

Нашрга тайёрловчи:

филология фанлари номзоди
Жалолиддин Жўраев

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор
Саидбек Ҳасанов

Таҳрир ҳайъати: филология фанлари доктори, профессор Саидбек Ҳасанов (раис), филология фанлари доктори, академик Азиз Қаюмов, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Низомиддинов, филология фанлари номзоди Юсуф Турсунов (раис ўринбосари), филология фанлари номзоди Шафоат Ҳасанова.

Такризчилар:

филология фанлари доктори, профессор
Нажмиддин Низомиддинов

филология фанлари номзоди
Юсуф Турсунов

МАНБАШУНОСЛИК

Суннатулло САЙИПОВ,

**Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди**

“ҚИССАИ САЙҚАЛИЙ” АСАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Собир Сайқалий мумтоз адабиётимиз тарихида ўзбек дostonчилигининг энг илғор анъаналарини давом эттирган шоир сифатида яхши маълум. Бу сермахсул ижодкорнинг бизга “Бахром ва Гуландон”, “Қиссаи Иброҳим бинни Муҳаммад”, “Вайс ул-Қаран”, “Жангномаи имоми Ҳанафия”, “Қиссаи Ҳамроҳ ва Хурлиқо”, “Аҳтамнома”, “Зайн ул-араб”, “Қиссаи Сайқалий” асарлари билан бирга шоир сифатидаги нуфузига далолат қилувчи шеърлар девони етиб келган.

“Қиссаи Сайқалий” пайғамбарлар тарихига бағишланган асар бўлиб, унинг шу турдаги асарлардан фаркли жиҳати пайғамбарлар тарихи Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”сидаги сингари талқин қилинишида кўринади. Шу билан биргаликда Муҳаммад пайғамбарнинг куёви Ҳазрат Али, қизи Биби Фотима ва уларнинг фарзандлари Имом Ҳасан билан Имом Ҳусайн ҳақидаги ривоятлар ҳам асар марказида туради. Асарга киритилган барча диний ривоятлар ана шу асосий сюжет чизиқларини ёрқинроқ очиб беришга қаратилади. Собир Сайқалий пайғамбарлар тарихини ҳазрати Имом Ҳусайн ва Имом Ҳасан ривоятлари билан чамбарчас боғлаб шундай композиция ва бадиий услуб қўллаганки, натижада асар Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”си сингари яхлит бир диний йўналишдаги асар тарзида шаклланиб, Имом Ҳусайн ва Имом Ҳасан ҳақидаги эпизодларнинг кўшилиши эса асарнинг ўзига хос йўналишини белгилувчи бир восита бўлган. Мухими, шоир пайғамбарлар тарихини Одам Атодан бошлаб, Расули акрам авлодлари тарихи билан якунлайди.

Собир Сайқалий Одам алайҳиссаломнинг яратилиши қиссасини баён этишдан аввал Одам авлодлари тақдирига хунрезликлар битилганини таъкидлаб ўтади. Қобилнинг Ҳобилни ўлдиргани бу мусибатларнинг ибтидоси сифатида талқин этилади.

2. Наршахий Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А.Расулев таржимаси (Мерос туркуми). – Тошкент: Камалак, 1991. Б.81-87; Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
3. Гулямов Я.Г. Нур Бухарский //Этнография и археологии Средней Азии. – Москва, 1979. С.133; Мухаммедов Х. Ўзбекистоннинг қадимий муҳофаа иншоатлари. – Тошкент: Фан, 1961. Б. 44.
4. Мустафоев С. Нур этилган Нурота. – Тошкент: Истиклол, 2004.

МУНДАРИЖА

МАНБАШУНОСЛИК

С.Сайипов. “Қиссаи Сайқалий” асарининг тузилиши.....	3
М.Эшмурадов. Комёбнинг “Таворих ул-хавонин” асари ҳақида....	4
М.Эшмухамедова. Шамсиддин Ўзгандийнинг “Биби Фотима қиссаси”.....	8
Ш.Ҳасанова. Адабиёт музейидаги “Тутинома” асарлари қўлёзмалари ҳақида.....	13
Ж.Жўраев. “Хулалӣ мутарраз дар фани муаммо ва луғаз”нинг Тошкент нусхалари.....	18
О.Алимов. “Сабот ул-ожизийн”га ёзилган араб тилидаги шарҳ хусусида.....	21
С.Файзиева. Ғойиб Назар Қози мадрасаси.....	23
Ш.Қўлдашев. Ўзбек театр намояндаси “Бидиёршумми” ёки “Бердиёршумми?”.....	29
М.Жабборова. “Жангномаи подшоҳ Жамшид” ҳақида.....	32
Д.Жалилова. Гулшаний асарлари қўлёзма манбалари.....	34
Ҳ.Жўраева. Хусайний девонининг қўлёзмалари хусусида.....	40
А.Жуманазар. Дор уш-шифо – тиббиёт олий ўқув даргоҳи.....	43
Л.Ибрагимова, П.Исоқова. Навоий “Арбаин”и хусусида.....	49
С.Мансуров. Махдуми Аъзамнинг ижодий мероси манбалари.....	52
А.Раззоқов. Алишер Навоий ижодида Муҳаммад пайғамбар тимсоли талқини манбалари.....	55
О.Тожибоева. Тошкент матбаачилиги тарихидан.....	57
Б.Умурзоқов. “Рашаҳот айн ал-хаёт”нинг муаллиф дастхати нусхаси.....	62
С.Хасанова. Сопоставление содержания «Арбаин» Алишера Навои и Джами.....	66
Ҳ.Ҳасанов. Бобур ва Исмоил Сафавий иттифоқи.....	74
Б.Болтабоев. Журжи Зайдоннинг “Қурайш кизи” романи манбалари тадқиқига доир.....	80
П.Шавкат қизи. Муаззамхон шеърятӣ манбаларига оид тадқиқотлар.....	83

МАТН ТАҲРИРИ ВА БАДИИЯТ ТАКОМИЛИ

Ш.Донярова. Сохта садоқатнинг бадиий талқини.....	85
П.Кенжаева. Расим Ўзденорен ҳикоячилари ҳақида.....	89

раёнда тадқиқотчилар нафакат оғзаки олинган ахборотларни туркий ва форс тожик тилларида ёзилган қўлёзма асарларидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилинмоғи мақсадга мувофиқдир.

Матлуба ЖАББОРОВА,

Низомий номидаги ТДПУ катта илмий ходим-изланувчиси

“ЖАНГНОМАИ ПОДШОҲ ЖАМШИД” ҲАҚИДА

Халқ киссалари адабиётнинг асрлар оша сайқалланиб, турли образлар орқали эл орасида машҳур бўлган бой меросидир. Унда халқ ижодининг оғзаки ва ёзма жанрлари ўз аксини топади. Халқ ижодида мифологик образлар билан бирга халқ фаровонлиги учун қайғуриб, уларнинг бахт-саодати йўлида курашувчи афсонавий – асотирий қаҳрамонлар образи ҳам бисёр. Бундай қаҳрамонларнинг жасоратлари турли даврлар мобайнида халқ томонидан мадҳ этиб келинади. Хатто, уларнинг таъсирида бир қанча халқ китоблари вужудга келган. “XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда тошбосманинг пайдо бўлиши билан ёзма адабиёт намуналари қатори халқ оғзаки адабиётига мансуб китобларни ҳам нашр этишга киришилди. Бу асарлар тошбосма усулида чоп этилган дастлабки бадиий ёдгорлик сифатида адабиётимиз тарихида алоҳида аҳамиятга эгадир”.¹ Шундай китоблардан бири афсонавий подшоҳ Жамшиднинг саргузаштлари ҳақидаги “Жангномаи подшоҳ Жамшид” киссасидир.

Жамшид Навоийнинг таъбирича, пешдодийлар сулоласининг тўртинчи подшоҳи бўлиб, унинг даврида мамлакат гуллаб яшнаган, халқ фаровон ва осойишта умр кечирган. Баъзи манбаларга кўра эса, у темир ва оловни кашф этган. У ҳақидаги дастлабки маълумотлар қадимги ёдгорликларда, жумладан, “Веда”, “Авесто”, “Динкард” ва паҳлавий тилидаги матнларда турли шаклда учрайди. Бу номнинг генезиси алоҳида ўрганишни тақозо этади. Подшоҳ Жамшид ҳақидаги дostonнинг “Қиссаи шоҳ Жамшид”, “Асари дoston шоҳ Жамшид”, “Қиссаи Жамшид”, “Жамшиднома”, “Жангномаи подшоҳ Жамшид” номли бир неча қўлёзма ва тошбосма вариантлари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд. Улардан бири

¹ Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим киссалар // Адабий мерос. 1971. №2. Б 254.

“Жангномаи подшоҳ Жамшид” Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида 118 инвентар рақами билан сақланади.

Мазкур “Жангномаи подшоҳ Жамшид” насталиқ хати билан котиб Худойберди Тошкандий томонидан ҳижрий 1335 йил кўчирилиб, Ғулом Ҳасан Орифжонов босмахонасида чоп этилган. Китоб 288 бетдан иборат. Ҳар саҳифага 25 қатордан матн жойлаштирилган. Китоб жигарранг қоплама муқовали, биринчи саҳифага нақшинкор безак берилган. Китобнинг саҳифалари бутун сақланган, бирон бети йўқолмаган. Шу сабабли уни мукаммал нусха деб айтиш мумкин. Ушбу асар анъанавий “Ровиёни ахбор, нокилони осор” жумласи билан бошланган. Унинг ёзилиш услуби “кадимий Шарқ қиссалари ва оғзаки ижоддаги халқ қаҳрамонлик эпослари”¹ини эслатади. “Сўз бу ерда турсин, эмди бошқа ердан эшитинг”, “Булар йўлда кетатурсин, бошқа ердан сўз эшитмоқ керак” каби анъанавий ибораларнинг кўп учраши ҳам буни тасдиқлайди. Қисса тили анча содда ва раvon. Баъзан саъжли тасвирлар ҳам келтирилган. Воқеалар орасида ўзбекча байтлар, баъзан форсча байтлар ҳам учрайди.

Асар Каюмарс одам, Хушанг, Сиёмак ҳақидаги ривоят билан бошланади. Сўнгра Ҳазрати Нух пайғамбар ва унинг фарзандлари тўғрисидаги тафсилотлар берилади. Кейинги қиссада насаб ҳақида сўз боради ва унга кўра Жамшиднинг шажараси Ҳазрати Нух пайғамбарнинг иккинчи ўғли Сомга бориб такалади. Шундан сўнг Жамшиднинг тахтга ўтириши, подшоҳлиги, саргузаштлари ҳақидаги воқеалар баён қилинади. Асар охирида Жамшиднинг вафотидан кейинги воқеалар, авлодларининг тақдири ҳақидаги ривоятлар ҳам берилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Жангномаи подшоҳ Жамшид” асари педшодийлар сулосаги мансуб бўлган Жамшид подшоҳ ҳақидаги халқ қисасидир. Унда Жамшид подшоҳ ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар халқ қиссачилиги услубида баён қилинган.

¹ Ҳомидов Ҳ. Авестодан Шоҳномага. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2007. Б 223.